

“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ тизимида фаолият юритаётган ёшлар 200 гектар майдонга чўл ўсимликларини экишда фаол иштирок этди

// 21.02.2020

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/muynoq>



“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ корхона ва цех бўлимларида фаолият юритаётган ёшлардан “Фидойи ёшлар отряди” тузиш таклифи келиб тушди. Ушбу таклифдан кўзланган асосий мақсад Орол денгизининг қуриган ҳудудларини яшил ўрмонзорларга айлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишдир.

“Фидойи ёшлар отряди” Мўйноқ туманига ташриф буюриб, саксаул ва бошқа кўчатлар экиб, атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ёшлар 200 гектар майдонга чўл ўсимликларини экишда фаол иштирок этди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

